

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕҲНАТ ВА АҲОЛИНИ
ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

532 «Уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича компенсация пул тўловларининг механизми тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ҳамда унга киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил 30 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1232-4

(2011 йил 9 январдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 27 мартдаги ПФ-3227-сон «2003 йилнинг 1 апрелидан бошлаб уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича бериладиган имтиёзлар ўрнига компенсация пул тўловларини жорий этиш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й., 5-6 сон, 47-модда), 2009 йил 21 декабрдаги

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й.

ПФ-4158-сон «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 52-сон, 558-модда), 2009 йил 30 декабрдаги ПФ-4161-сон «Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 52-сон, 559-модда) фармонларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 30 декабрдаги ПҚ-1251-сон «Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тузилмасини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 52-сон, 562-модда), 2009 йил 30 декабрдаги ПҚ-1252-сон «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари пенсия жамғармасининг ташкилий тузилмасини шакллантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 52-сон, 563-модда) қарорларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги **қарор қилдилар:**

1. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан 2003 йил 3 апрелдаги 49, 45-сон «Уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича компенсация пул тўловларининг механизми тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни (рўйхат рақами 1232, 2003 йил 15 апрель) (Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2003 й., 7-8-сон);

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан 2003 йил 4 июндаги 49-1, 55-сон «Уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича компенсация пул тўловларининг механизми тўғрисидаги низомга қўшимча киритиш ҳақида»ги қарорни (рўйхат рақами 1232-1, 2003 йил 10 июнь) (Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2003 й., 11-сон);

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан 2005 йил 26 апрелдаги 43, 98-сон «Уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича компенсация пул тўловларининг механизми тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарорни (рўйхат рақами 1232-2, 2005 йил 10 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 23-24-сон, 172-модда);

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан 2005 йил 9 сентябрдаги 86, 104-сон «Уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича компенсация пул тўловларининг механизми тўғрисидаги низомга қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарорни (рўйхат рақами 1232-3, 2005 йил 18 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 41-42-сон, 327-модда).

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида дав-

лат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2010 йил 13 сентябрь,
76-сон

**Меҳнат ва аҳолини ижтимоий
муҳофаза қилиш вазири**

А. ХАИТОВ

Тошкент ш.,
2010 йил 13 сентябрь,
165-сон

WWW.LEX.UZ